



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

3 (89) 2026

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
У.О. АБИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Д.Т. АШУРОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)


РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

3 (89)

2026 *март*

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com
E: ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882



Абу Али ибн Сино

(Буюк мутаффакир илмий меъросининг hozirgi замон тиббий амалиётига таъсири)

Муаллиф:

Ўзбекситон соғлиқни сақлаш вазирлиги
Вирусалогия илмий тадқиқот институти
Маслахатчиси тиббиёт фанлари доктори
профессор Ходжаева Малика Адилевна

Абу Али ибн Сино

Жахон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик буюк қомусий олим Ғарбда АВИЦЕННА номи билан машҳур Абу Али ибн Синонинг тўлиқ исми Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ал-Хасан ибн Али бўлиб, 980 й. диёримизнинг Бухоро вилоятининг Афшона қишлоғида таваллуд топган.

Ибн Синонинг дастлабки устози Абу Абдуллоҳ Нотилий шогирдининг мантиқ, хандаса, фалакиёт илмини ўзлаштиришдаги ақл заковатини кўриб унинг отасига илмдан бошқа нарса билан шуғуллантирмасликни тайинлайди.

Абу Али тинмай мутоала қилиб, турли илм соҳаларини ўзлаштиришга киришди. У мусиқа, оптика, кимё, фикҳ каби фанларни ўқиди, хусусан табобатни севиб ўрганди ва бу илмда тез камол топа бошлади.

Ибн Сино 17 ёшидаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида танилди. Ўша кезларда хукмдор Нух ибн Мансур бетоблиги сабабли Абу Алини саройга таклиф қилишган ва у хукмдорни даволагани шарафига сарой кутубхонасидан фойдаланиш имконияти берилган. Шу вазиятда Ибн Сино ўрта аср фалсафасини мустақил ўрганишга киришди. У юнон файласуфи Аристотелнинг “Метафизика” асарини Абу Носир Фаробийнинг таҳлили асосида ўзлаштиришга мувофиқ бўлади.

Қорахонийлар 999 йили Бухорони забт этгандан бошлаб Абу Али ибн Синонинг ҳаётида ташвишли нотинч ва оғир дамлар бошланади. У ўз юртини тарк этиб Хоразмга келади ва у ерда буюк олим Абу Райхон Беруний билан илмий изланишлар олиб боради. Ибн Сино Абу Саҳл Масихийнинг тиббий тажрибаси ва билимларидан ҳам сабоқ олди. Бироқ Хоразмдаги осойишта ҳаёт узокка чўзилмади. Шарқда қудрати ортиб бораётган Ғазна хукмдори Маҳмуд Ғазнавий бу ўлкага кўз тикади ва Маъмунга саройдаги олимларни уни ҳузурига юборишини талаб қилади. Ибн Сино таклифни рад этиб Масихий билан яширинча 1010-1011 йй. Хоразмни тарк этади ва олимнинг саргардонлик йиллари бошланади. Аввал Нисо, сўнг Обивард, Тус, Шикқон ва Хуросоннинг бошқа шаҳарларида ҳам қисқа вақт яшаганидан кейин

Каспий денгизининг жанубида жойлашган Журжон амирлигига етиб келади.

Ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири у Абу Убайд Журзоний билан учрашади. У Ибн Синога нафақат шогирд, балки содиқ дўст ҳам эди. Журзонийнинг Ибн Синонинг таржимаи холини ёзилиб қолишида, кўпгина асарларининг таълифи ва тартибга солиши, ҳамда кейинги авлодга етиб келишида хизмати катта.

Журжондалигида Ибн Сино “Тиб қонунлари”нинг дастлабки қисмларини яратди. 1014 й. олим Журжонни тарк этди, аввал Райга кейин эса Ҳамадонга келади ва ҳукумдорни санчиқ касалидан даволаганидан кейин саройда қолади. У аввал сарой табиби, сўнгра вазирлик лавозимига кўтарилади.

Давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай илмий изланишларни давом эттириб “Тиб қонунлари”нинг биринчи китобини тугатиб ўзининг машҳур фалсафий қомуси “Китоб аш-шифо”ни ҳам шу ерда ёзишга бошлайди. Олим “Тиб қонунлари”нинг қолган қисмини ҳам шу ерда – Ҳамадонда ёзиб битиради.

Ибн Сино Ҳамадонда 1023- йилгача яшаб кейин Исфаҳонга жўнаб кетади. Умрининг қолган 14 йилини шу ерда ўтказиб илмий изланиш билан машғул бўлади. Тиббиёт, фалсафа, аниқ фанлар ва тилшуносликка бағишланган асарлар ёзади. Олим асарларини ўша даврда Яқин ва Ўрта Шарқ илмий тили бўлган араб тилида, шъерий ва фалсафий асарларини форс тилида ёзган. Турли манбаларда унинг 450дан ортиқ аср ёзганлиги, лекин бизгача уларнинг 242 (160)таси етиб келган. Шулардан 80 таси фалсафага 43 таси табобатга оид бўлиб қолганлари мантиқ, психология, тиббиёт, астрология, математика, мусиқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка бағишланган.

Абу Али ибн Синонинг табобатда эришган ютуқлари унинг номини бир неча асрларга шу фан соҳаси билан чамбарчас боғлади. У ўзигача ўтган турли халқ намояндалари томонидан асрлар давомида тиб илми соҳасида тўпланган маълумотларни саралаб, муайян бир тартибга солди ва уларни ўз тажрибалари билан бойитган ҳолда маълум назария ва қонун қоида асосида умумлаштирди. Унинг фан ва прогрессив маданият тарихидаги буюк роли ҳам шундан иборатдир.

Олим яшаган даврда Гиппократ, Гален, Диаскорид ва бошқаларнинг таълимоти устувор эди. Ибн Сино ҳам ўз тиббий фаолиятида уларнинг назарий қарашлари ва амалий кўрсатмаларига таянди, лекин уларни Хиндистон, Хитой, Ўрта Осиё, Шарқ олимларининг, ҳамда ўз тажрибалари ва билимлари асосида ривожлантирди ва бойитди.

Ибн Синонинг даҳо табиб сифатида шуҳрат қозонишининг асосий омилларидан бири – унинг тиб назариясини, хусусан, анатомия – инсон гавдаси тузилишини мукаммал билишлигидир.

Ибн Сино ўткир диагност эди. Унинг баъзи ташхис усуллари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Перкуссияни, хусусан, асцит ва метиоризмни фарқлашда қўллаган. Бу усул 600 йилдан кейин веналик табиб Леопольд томонидан қайта кашф қилиниб, яна 50 йилдан сўнг амалиётга кирган.

Олим қон туфлаш ҳолатлари ва нафас олиш турларини чуқур ўрганиб, улардан ташхисда фойдаланган. Ибн Сино турли касалликларни дифференциал диагностикасида ва танани умумий ҳолатини аниқлашда томир уриши, сийдик ва нажасга қараб олинадиган белгиларга катта эътибор берган.

Тиббиёт тарихида биринчи марта Ибн Сино беморни ташхислаш ва даволашда шифохонанинг тутган ўрни ҳақида сўз юритади. У ёзиб қолдирган илмий фикрларидан бири, бу беморга нисбатан асосий эътибор узлуксиз кузатишда, яъни беморни шифохонада қолдириб таҳлил натижалари ва кузатув ёрдамида тўғри ташхислаш ва даволаш услубини яратади.

Табобат тарихида биринчи бўлиб Ибн Сино вабо билан ўлатни фарқлаган, юқумли касалликлар билан оғриган беморларни бошқалардан ажратган ҳолда сақлаш кераклигини такидлаган. Менингит, сариқ касаллиги, мохов, захм, қизамиқ, сувчечак ва куйдирги касалликларнинг белгилари ва кечиш жараёнини тўғри тасвирлаб берган. Қутириш касаллигининг юқумлилигини, беморни бу касалликдаги ҳолатларини жуда тўғри аниқлаган.

Беморларни даволашда олим 3 нарсага эътибор берган: тартиб (парҳез), дорилар билан даволаш ва турли тиббий тадбирларни қўллаш (қон олиш, банка қўйиш, зулук солиш, хукна ва бошқалар). Касалликни даволашда овқатланиш яъни парҳез муҳим омиллардан

деб ҳисоблайди ва ҳар бир касаллик учун ўз овқатланиш тартибини беради.

Ибн Синонинг жарроҳлик соҳасини ривожлантиришдаги хизматлари ҳам улкандир. У ўз тиббий асарларида замонавий жарроҳликда қўлланиб келинаётган айрим усулларни баён қилади. Жарроҳликда анестезия масаласига ҳам Ибн Сино катта эътибор берган. Бунинг учун у афюн, мингдевона, наша ва шу каби наркотик таъсирга эга бўлган дорилардан фойдаланган.

Касалликни даволашда шахсий гигиена, уйқу ва жисмоний машқларнинг аҳамияти катталигини уқтирган.

Абу Али ибн Сино доришуносликда ҳам чуқур тадқиқот олиб борган. У антик олимларнинг фармацияси асосида мусулмон Шарқида пайдо бўлган янги фармациянинг шаклланишига якун ясади. Табобатда сано, камфора, равоч, хинд хурмоси каби дориларни ишлатилиши ва доривор ўсимликларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш усуллари ишлаб чиққан.

Табиий дорилар билан бир қаторда Ибн Сино биринчилардан бўлиб кимёвий усулда тайёрланган дориларни ҳам қўллаган. Касалликни турига қараб аввал содда, сўнг мураккаб таркибли дори билан даволаган. Дори тайёрлашда беморнинг мижози, ёши, иқлим шароитини ҳисобга олишни таъкидлайди.

Ибн Сино фармацияси жуда пухта ўйланган фармакологик тадқиқот усулига асосланганлиги боис ўрта аср Европа фармациясидан анча ўзиб кетди ва замонавий доришуносликка яқинлашди.

“Тиб қонунлари” асари тахминан эрамизнинг 1020 йилларида ёзилган. Орадан 150 йил ўтгач эса, Ибн Синонинг ушбу асарини Герард Кремонский биринчилардан бўлиб лотин тилига таржима қилди. Бу таржима асл нусхадаги мазмун ва ифодани ўзида тўла сақлаб қололмаган бўлсада, тахминан 6 аср мобайнида ғарб мамлакатларида тиббий билимларнинг бирдан бир қўлланмаси сифатида хизмат қилди.

15 - асрда бу асар 16 марта, 16 – асрда 20 мартадан кўпроқ босилиб чиқди. 17 – асрда Племпий ҳам Львов шахрида “Қонун”нинг янги нашрини бостириб чиқарди. 1593 йилда Рим шахрида “Қонун”нинг Флоренциядаги қўлёзмаси асосида биринчи арабча нашр эълон қилинди.

Буюк олимнинг таваллудига 1000 йил тўлиши муносабати билан 1952 йилда ўтказилган тантаналар, прогрессив инсоният эришган маданий ғалабаларнинг намоёниши сифатида, Жаҳон халқларининг бирдамлиги шиори остида ўтди. 1954 йилда Ўзбекистон ФА шарқшунослик институти олимлари иштирокида “Тиб қонунлари” китобининг ўзбек тилидаги таржимасининг 1- китоби 2000 нусхада босмадан чиқди.

Ибн Сино илмий меросини ўрганиш ишлари янги даврга келиб жадал тус олди ва натижада чет эл ҳамда Ўзбекистонда махсус илмий йўналиш-Синношунослик вужудга келди. “Тиб қонунлари”нинг лотинча таржимаси тўлиқ ҳолда 40 марта нашр қилинди.

Ўсимликларни биринчи илмий таснифини яратган машҳур швед ботаниги Карл Линней (1707-1778) доимо яшил бўлиб турувчи бир трофик дарахтни Ибн Сино шарафига Авиценна деб атади.

Ўзбекистон ерида топилган (1956) янги минерал Ибн Сино номи билан Авиценнит деб аталади.

Рус антропологи М.М.Герасимов, бир неча тарихий шахслар катори, Ибн Синонинг ҳам калла суяги асосида ҳайкал – портретини яратган.

Ўзбекистон фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида алломанинг қаламига мансуб 50 асарнинг 60та қўлёзмаси мавжуд.

1984 йилда Ўзбекфилм студияси Ибн Сино ҳаётини тасвирловчи “Даҳонинг ёшлиги” номли фильм яратди (реж.Э.Эшмухамедов).

Абу Али ибн Синонинг илмий меросини шартли равишда 4 қисмга, яъни фалсафий, табиий, адабий ва тиббий соҳаларга бўлиш мумкин. Лекин Ибн Сино асарларининг миқдорий нисбатига назар солсак, олимнинг қизиқиш ва эътибори кўпроқ фалсафа ва тибга қаратилганини кўрамиз. Гарчи уни “Авиценна” сифатида Ғарбда машҳур қилган унинг тиббий мероси, хусусан, “Тиб қонунлари” бўлса-да, “Шайх - ар-раис” номи, энг аввал, унинг буюк файласуфлигига ишорадир.

Ушбу тарихий маълумотлар Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 2002 йилдаги нашридан, ҳамда Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарининг 1952 йил нашридан фойдаланган ҳолда тайёрланди.

Сана: 2026 йил 25-январ.